

**Нефт махсулотларини нефт база худудидан
Етказиб бериш хақида
ШАРТНОМА № 27/41**

Тошкентвилояти
Қибрай т-н
ҚизилШалола к.

«18» январе 2022 йил

Ўз.Рес.Транспорт прокуратураси (кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилади.) номидан Низом асосида фаолият юритувчи рахбари Ў.Б. Музафаров Ш. М. бир тарафдан ва «Чинобод нефт базаси» Масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритилади) директор Муржанов С.Т. тимсолида, Низом асосида фаолият кўрсатувчи ушбу шартномани қуйидагилар хақида туздилар:

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га нефт махсулотларини «Таъминотчи» нинг ресурс имкониятлари ва «Истеъмолчи»нинг талабномада курсатилган эхтиёжларига асосан тузилган ва томонлар келишилган, спецификацияга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади.

1.2. «Истеъмолчи» нефт махсулотлари учун «Таъминотчи» нинг ҳисоб рақамига олдиндан 100 фоиз тўловни амалга оширади.

1.3. Шартноманинг умумий суммаси 4 4120 000 сўм ташкил этади шу жумладан ҚҚС билан Бюджет маблағлари ҳисобидан — бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 4 4120 000 (кераклигини тагига чизилсин). Етказиб берилган нефт махсулотлари учун тўлов, шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган спецификацияларга асосан амалга оширилади.

Етказиб берилиши кўзда тутилган нефт махсулотларининг турлари, уларнинг миқдори, сифати ва нархи, шунингдек етказиб бериш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада (спецификацияда) кўрсатилади.

Шартнома суммаси нефт махсулотларини «Таъминотчи» таъмонидан биржа савдолари орқали сотиб олиш нархлари, нефт махсулотини ташиш билан боғлиқ темир йул харажатлари Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Молия Вазирлиги қарорларига асосан ўзгартирилганда ёки нефт махсулотлари таъминоти корхоналарнинг устама нархлари ўзгарганда, ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда шартноманинг умумий киймати ўзгаради ва бу хақида шартномага ўзгариш киритиш учун қўшимча келишув битими тузилади.

2. МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА МУДДАТЛАРИ

2.1. Нефт махсулотлари «Истеъмолчи»га «Таъминотчи»нинг махсус автотранспортида белгиланган тартибда етказиб берилади. Нефт махсулотларини шунингдек «Истеъмолчи» томонидан барча ёнғин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган махсус транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин.

2.2. Нефт махсулотлари омборига нефтмахсулотини ташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари нефт база омбори худудига киритилмайди ва уларга нефт махсулотларининг қуйилишига руҳсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг бўшқетиши учун «Таъминотчи» жавобгар бўлмайди.

2.3. Нефт махсулотлари қуйилган автоцистерналар «Истеъмолчи»нинг талабига биноан «Таъминотчи»нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник хужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда таъғаланади.

2.4. Нефт махсулотларини етказиб бериш мазкур шартномад аёки шартнома асосида берилган буютма номада кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда, мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида,

ушбу шартноманинг 3.1. бандида келтирилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан сўнгра малгао ширилади. Нефтни қайтаишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темирйўл ташкилотларининг айби билан юзага келган нефт маҳсулотлари таъминотидаги узилиш ҳолатларида "Таъминотчи" томонидан "Истеъмолчи"нибуҳақида хабардор қилинган ҳолда томонлар етказиб беришининг бошқа муддатни ўзаро келишиб олишлари мумкин

3. ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб- китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар тўлов топшириқномаси орқали амалга оширилади.

«Истеъмолчи» оладиган нефт маҳсулотлари учун олдиндан 100% маблағлар пул ўтказиш йули билан белгиланган тартибда мажбуриятини олади.

3.2. Ҳисоб-китоб рақамига маблағлар келиб тушгач «Таъминотчи» «Истеъмолчи» га маҳсулотларни етказиб беради.

4. НЕФТ МАХСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. «Таъминотчи» томонидан «Истеъмолчи»га етказиб берилган нефт маҳсулотлари бевосита "Истеъмолчи"нинг вакили томонидан қабул қилинади. Етказиб берилган нефт маҳсулотларини қабул қилиб олишда «Истеъмолчи» вакили шартномада ёки шартнома иловасида кўрсатилган миқдорда ва сифатда шартномада белгиланган талабларга, шунингдек амалдаги стандартлар, нормативлар ва йўриқномалар асосида амалга оширади.

4.2. «Истеъмолчи»нинг вакили нефт маҳсулотларни олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва миқдорини жойида текшириб олади.

4.3. Эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, нефт маҳсулотларига зиён етиш хавфи "Таъминотчи" корхонаси ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб тўлиқ «Истеъмолчи»га ўтади.

5. МАХСУЛОТ СИФАТИ

5.1. «Истеъмолчи» нефт маҳсулотларини олаётган вақтда жойида маҳсулотнинг сифат ва миқдорини текшириб олишга ҳақли. «Истеъмолчи» томонидан ўз транспортида нефт маҳсулотини ташиб кетиши ҳолатида, маҳсулотнинг сифат ва миқдор жихатидан сакланишига жавобгарлик нефт база ҳудудидан ташқарида истеъмолчи зиммасига ўтади.

5.2. Етказиб берилаётган маҳсулот сифати амалдаги Давлат стандарти, ТШ талабларига мос келиши ҳамда жўнатилаётган нефт маҳсулот учун берилаётган сифат гувоҳномасида акс эттирилади ва «Истеъмолчи» га тақдим этилади.

5.3. Маҳсулаштирилган автотранспортда ташишда эса амалдаги тартиб ва йуриқномаларга мувофиқ иш юритилади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Шартноманинг ҳар бир бажарилмаган бандлари учун томонлар моддий жавобгардир.

6.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи» га сифати Давлат стандарт ва техник шартларга жавоб берадиган нефт маҳсулотларини етказиб беришни кафолатлайди. Ҳар кки томон нефт маҳсулотларини етказиб бериш ва қабул қилишда амалдаги 1510 ва 2517 Давлат стандарти талаблари асосида иш юритади.

Нефт маҳсулотларини ҳисоб — китоби ва тарқатилиши амалдаги қонун ва меъёрлар асосида амалга оширилади.

6.3. «Истеъмолчи» нефт маҳсулотларини саклашнинг техникавий шарт- шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.4. «Истеъмолчи» томонидан унинг ҳудудига олиб келинган нефт маҳсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилиниши таъминланади.

6.5. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефт маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Таъминотчи»га олинмаган маҳсулот

умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди ва таъминотчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.6. Ушбу шартнома бирон бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у холда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги қонунга биноан қўлланилади.

6.7. «Истеъмолчи» ўзининг ҳудудига олиб келинган нефт маҳсулотларини қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник ҳавфсизлик талаб ва меъерларига тўлиқ амал қилинишига жавобгардир.

6.8. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган холда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қийматликлар ёки мулкий наф олмайди. Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

6.9. Томонлар келишмовчилиги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» Қонунга асосан кўриб чиқилади.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

7.1. Ҳар икки томон ҳам қуйидаги ҳолатларда мажбуриятларни бажарилмаганликда жавобгарликка тортилмайдилар:

- агарда табиий офат, сувтошқини, ёнғин, zilзила ва бошқалар оқибатида юз берса,
- нефтникайта ишлаш заводлари, «Ўзбекистон темир йуллари» ДАЖК айби билан, шунингдек юқори ташкилотлар томонидан етказиб бериш ҳажми ва муддати ўзгартирилганда, шунингдек АЁҚШлар ва нефт база фаолияти текширувчи органлар томонидан вақтинчалик тўхтатиб қўйилганда, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа қонунни белгиловчи ташкилотлар қарорига асосан нефтмаҳсулотларини етказиб бериш ва таъминлаш механизми ва тартибига ўзгартириш киритилган ҳолларда.

8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

8.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

8.2. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

8.3. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилиланган шахслари, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

8.4. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши белгиланган мажбуриятларни бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тайзик ўтказилмаслигини кафолатлайди. Коррупцияга қарши курашиш қоидалари бизилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

8.5. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида

хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб беришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

8.6.Шартноманинг амал қилиш муддати давомида “Истеъмолчи” (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари ва бошқа вакиллари), “Таъминотчи”нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

9. ҚўШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Қўшимча шартлар

10. НИЗОЛАРНИ КУРИБ ЧИКИШ ВА ШАРТНОМАНИНГ АМАЛДА БЎЛИШНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

10.1. Мазкур шартнома киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

10.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай тортишув келишмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси йўли билан ҳал этилади. Иккала томон мустақил ҳал эта олмайдиган баъзи масалалар белгиланган тартибда иктисодий судларида ҳал этилади.

10.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

10.4. Шартнома томонлар ўртасида имзоланган ва агар “Истеъмолчи” бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий газначилигидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга кирди ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ

«ТАЪМИНОТЧИ»

«Чинободнефтбазаси» МЧЖ
111212 Кибрайтумани, «Кизил шалола» киш
МФО 01115 Шайхонтахур ф-л OFB
х/р 20210000200190664001
ИНН 200605317 ОҚОНХ 71150

Директор:  Муржанов С.Т.

Тел: 78-148-41-38

«ИСТЕЪМОЛЧИ»
O'ZB TRANSPORT PROKURATORASI
TURLKISTON JUMHURIYATI 200-07-70
S/N 4001 100602627970362 00010001
STIR 201799985 ISENT 04112
O'ZB MV G'AZNACH. AMAL. BOSU-SI
N/R 2940200020010001010 MF 000014
O'ZB MD TOSH. SH. HKKM TOSH. SH.
G'AZ. STIRI 201122010

РАХБАР: 
Директор:

Музаффаров М.М.

ХУЛОСА

Ушбу шартномани нефт маҳсулотлари етказиб бериш ҳақидаги умумий қоидалар 437-456 моддалари ва Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 йилдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги» Қонуннинг 5-бўлим 31,32, 34-моддаларининг талабларига жавоб беради.

Мутахассис-ҳуқуқшунос 

